



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 22 апрель, № 77 (6007)

Сешанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 апрель куни Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Испания Қиролигининг ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Хосе Мануэль Гарсиа-Маргальони қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик юксак даражада эканини мамнуният билан таъкидлади. Бугунги куннинг долзарб халқаро ва минтақавий масалаларини ҳал этишда Испаниянинг ўрни ва роли юқори эканини қайд этди. Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва устувор йўналишлари, халқаро ҳаёт, жумладан, Афғонистондаги вазият билан боғлиқ

минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалалари атрофида муҳокама қилинди. Ўзбекистон Испания билан Европа Иттифоқидаги муҳим ва ишончли шерикларидан бири сифатида барча йўналишлардаги алоқаларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераётгани таъкидланди. Ўзбекистон иқтисодий-иқтисодийнинг изчил ва барқарор ўсиш суръатлари, мамлакатимизда устувор йўналишлари, халқаро ҳаёт, жумладан, Афғонистондаги вазият билан боғлиқ

сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришнинг мустақкам асоси бўлиб хизмат қилаётгани қайд этилди. Ўзбекистон бозорига Испаниянинг «Тальго», «Максам», «Инитек энергия» каби етакчи компаниялари фаол иш юритаётгани икки томонлама самарали ҳамкорликнинг муваффақиятига мисол бўла олади. Икки мамлакат ишбилармон доиралари вакилларининг доимий мулоқотлари иқтисодийнинг турли соҳаларида янги қўшма лойиҳа-

ларни амалга оширишга қизиқиш ортиб бораётганидан далолат бермоқда. Ислам Каримов шу кунларда Тошкент шаҳрида ўтаётган бизнес-форум ишига муваффақият тилади. Ушбу анжуманда иштирок этиш учун Испаниянинг инфратузилма лойиҳалари ва юқори технологиялар соҳалари вакиллари билан иборат нуфузли делегация ташриф буюрган. Учрашувда ўзаро ҳамкорликка оид бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Х. М. Гарсиа-Маргальони

самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этиб, ҳукумат Раиси Мариано Рахой Брей давлатимиз раҳбарига Испанияга расмий ташриф буюришни таклиф этганини билдирди. Меҳмон Испания раҳбарияти бундан буён ҳам очиқ сиёсий мулоқот ва икки томонлама манфаатли барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни мустақкамлашга тайёр эканини таъкидлади.

(ЎЗА).
Сарвар УРМОҲОВ
олган суратлар.

МАМЛАКАТИМИЗ

ТАРАҚҚИЁТИ

ЙЎЛИДА



“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлашган “CFM-ProEnergies” қўшма корхонасида тайёрланаётган замонавий лампалар 50 минг соат ишлаши ва электр энергиясини турдошларига нисбатан 20 баробаргача кам сарфлаши билан ажралиб туради.

50 минг соат ишлаши кафолатланади

Бу 500 минг АҚШ долларлик сармоя эвазига рўёбга чиқарилган истиқболли лойиҳа самарасидир.

— Айни пайтда ўттиз кишилик жамоамиз билан 20 турдаги маҳсулот ишлаб чиқараямиз, — дейди корхона бош технологи Жасур Раҳимов. — Келгусида электр лампалари турини кўпайтириш ва уларни экспорт қилишни ҳам режалаштирганмиз.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Касбида янги кон фойдаланишга топширилди

Касби туманида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, унинг негизда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича махсус дастур амалга оширилмоқда.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОКЕЛАР, ХАБАРЛАР

Унинг доирасида Май-

манок қишлоғи ҳудудида янги оҳак қони ишга туширилди. Бунинг учун “Решатор” хусусий корхонаси томонидан 100 минг АҚШ долларлик дастлабки сармоя йўналтирилди.

— Бизнес-лойиҳага кўра, сарфлаган сармоямиз ўзини тўлиқ оқлайди, — дейди корхона раҳбари Элмурод Абдиев. — Чунки хориж технологияси асосида тайёрланаётган ушбу қурилиш ашёсига талаб катта. Келгусида ишлаб чиқариш самарадорлигини

ошириш ва маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида янги техника воситаларини харид қилишни режалаштираямиз. Таъкидлаш керакки, ўтган йили вилоятда қурилиш саноатида умумий қиймати 15,3 млн. АҚШ долларлик 108 та лойиҳа амалга оширилди. Жорий йилда эса саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 6,1 трлн. сўмга етказиш, шу жумладан, 113 млрд. сўмлик қурилиш материаллари тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

Аҳмад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Намликни ўтказмайди, шўрланишга чидамли

Когон шаҳридаги “Oniks-technaladka servis” масъулияти чекланган жамияти ўзининг экологик тоза қурилиш материаллари билан буюртмачилар эътиборини қозонмоқда. Яқинда бу ерда полимер қумли брусчаткалар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

— Бундай қурилиш маҳсулотини намликни ўтказмайди, шўрланишга чидамли, — дейди корхона раҳбари Баҳодир Одилов. — Шунингдек, у экологик жиҳатдан тоза. Таркиби полимер ҳамда қумдан иборат. Айни пайтда корхонамизда 15 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Пластмассали қувурлар, фитинглар, томёпкич, пеноблок каби бинокорликда ишлатиладиган маҳсулотларимиз яқка тартибда уй-жой қурувчилар ҳамда тадбиркорларга маъқул тушаяпти.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фермер маҳсулотини экспортга чиқаради

Поп туманилик Толибхон Аббосхонов ўзи раҳбарлиги қилаётган “Файз” фермер хўжалигини қисқа муддатда кўп тармоқли субъектга айлантирди.

Ҳозир мазкур хўжалик қошида тикувчилик ҳамда қандолатчилик цехлари ишлаб турибди. Хусусан, “Sadosh tekstil” шўъба корхонаси йилига 400 миллион сўмликдан зиёд тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. 40 киши меҳнат қилаётган жамоанинг саъй-ҳаракати билан ўтган қисқа муддатда 153 миллион сўмликдан

ортиқ дастлабки маҳсулот тайёрланди. — Фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштирганмиз, — дейди Т. Аббосхонов. — Жумладан, шу кунгача фақат икки бозорга маҳсулот етказиб берган бўлсак, эндиликда экспорт қилишни ҳам мўлжаллаяпмиз. Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИЗ ВА ЖАҲОН



Куала-Лумпурда Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг тақдими бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Малайзиядаги дипломатия миссияси томонидан Ўзбекистон Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси ҳамда Малайзия сайёҳлик агентликлари уюшмаси (МАТТА) ҳамкорлигида ташкил қилинди. Тадбирда Малайзиянинг туризм индустрияси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон сайёҳлик имкониятлари Куала-Лумпурда тақдим этилди

Унда қатнашчилар эътиборига Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси тараққиётининг асосий йўналишлари, ўзбек халқининг тарихий-маданий ва илмий меросини тиклаш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар тўғрисидаги атрофлича маълумотлар ҳавола қилинди. Мамлакатимизга дунёнинг турли давлатларидан, шу жумладан, Малайзиядан келаётган сайёҳларнинг сони тобора ортиб бораётгани баробарида, улар ислом тамаддунининг Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент сингари шаҳарларидан қад кўтарган маҳобатли меъморий обидаларнинг мафтуни бўлишга алоҳида қайд этилди.

Юртимизда туризмнинг аънавий ва янги турлари, хусусан, тарихий ва меъморий обидаларни зиёрат қилиш, экологик, тиббиёт саёҳатлари, агротуризм ва альпинизм имкониятлари ҳақидаги ахборотлар тадбир меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, тақдимот доирасида қатнашчилар жорий йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтаётган “Ипак йўлида туризм” ХХ Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси тўғрисидаги атрофлича маълумотлар билан ҳам танишдилар. Тадбир чоғида Малайзия компаниялари вакиллари мазкур ярмаркага таклифномалар тарқатилди.

(Давоми 2-бетда).

Осуда турмуш қадри

Биз, кексаларнинг каттаю кичикка илинганимиз — дуо. Униб-ўссин, ҳеч кимдан кам бўлмасин, ёмонлик уларга яқин йўламасин, ўтмишда биз кўрган оғир кунларни кўришмасин, деймиз-да.

ШУКРОНАЛИК

Бу йил 89 баҳорни қаршиладим. Турмуш ўртоғим Раънохон билан уч фарзандим эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбияладим. Невараларимиз — 10 нафар. Олти эварам атрофимизда гирдиқалак. Кўп савол беришди тушмагурлар. “Бобожон, ёшлигингиз ҳақида гапириб беринг”, дея ҳол-жонимга қўйишмайди. Шунда далада кечган болалигим, аянчли уруш йиллари, очарчилик даврлари ҳақида ҳикоя қилиб берман уларга.

Тўғри, буларнинг бари — ўтмиш. Балойи офатлар ортда қолгани рост бўлсин. Лекин бир нар-

сани унутиб бўлмайди. Бугунги дориламон кунлар ўз-ўзидан келгани йўқ! Шу боис Президентимиз ҳар гал тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш кераклигини таъкидлайди. Ёш авлод тарихни чуқур ўрганиши, бу кунларга осонлик билан эришилмаганини тушуниб етиши зарур, деб уқтирадилар. Ўзим, шу соҳа вакили, 60 йиллик иш тажрибасига эга педагог, тарих фанлари номзоди бўлганим учун бу гапларни эшитиб жуда таъсирланиб кетаман. Ахир ўз ўтмишини билган халқнинг эртаси ёруғ бўлади-да. Бундай халқнинг фарзандлари кексаларига ҳурмат, кичикларига эззат кўрсатади.

Шукр, шундай кунларда яшаш насиб қилди. Истиқлолни, неварачевараларимиз камолини кўраямиз. Ҳол-аҳволимизни сўровчилар, йўқловчилар кўп, ҳаммиса кўнглимизни кўтариб кетишади.

Мустақиллик номи билан аталувчи маҳалламиз пойтахтимизнинг қоқ ўртасида, Мирзо Улуғбек туманида жойлашган. Ушбу гўшада тўйлар, тантаналар, байрамларнинг кети узилмайди. Ўзим маҳалладаги “Нуроний” жамоатчилик маркази раисиман. Айни сабабдан одамлар орасида кўп бўламан. Уларнинг ўзаро меҳр-оқибати, ёшларимизнинг замонга мос мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртларида таълим олишаётгани, касбунара тағдидан тутаётганини кўриб, қувониб кетаман.

Бу — юртимизнинг бугунги ёруғ, эртаси порлоқ эканидан далолатдир.

Биз, кексалар ободликни, фаровонликни кўриб, қувончимиз ичимизга сиймайди. Қолаверса, бизга бўлган эззат-икром шундай бир даражадаки, бундан кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшилади. Кеча Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони эълон қилингани ҳам барча уруш фаришлари учун унутилмас воқеа бўлди. Юксак эҳтиром, бекиёс гамжўрликдан баҳраманд бўлиш, тинч ва осуда мамлакатда яшаш насиб этган экан, шунинг ўзи бебаҳо неъмат, улғусоодат. Ниятимиз, ана шу гўзал ва фараҳли кунларимиз бардавом бўлсин.

Қодир ЭРНАЗАРОВ,
уруш фариши.
Тошкент шаҳри

Сирдарёлик саноатчилар ярмаркаси

Жорий йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, Сирдарё вилоятида саноатнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 34,9 фоизни, кичик бизнесники эса 53,8 фоизни ташкил этди. Натижада бу борада ўтган йилдагига нисбатан сезиларли ўсишга эришилди.

ТАДБИР

Бинокорлик, ушбу юқори кўрсаткичлар яқинда вилоятда бўлиб ўтган ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида ҳам ўз аксини топди. Яъни икки кун давом этган мазкур тадбир ўтган давр мобайнида воҳада маҳсулотлар ва хизматлар тури янада кўпайгани, ишлаб чи-

қарувчилар сони ортганининг амалий намоиши бўлди. Хусусан, энгил саноат, фармацевтика, қурилиш маҳсулотлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда янги-янги лойиҳалар амалга оширилди, рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш кўлами кенгайди.

Таъкидлаш лозимки, жорий йилги саноат ярмаркасида ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этганлар сони ҳам кўпайиб, бу кўрсаткич 171 нафарга етди. Қувонарлиси, тадбир давомида ҳамкорлар томонидан умумий қиймати қарийб 5 миллиард сўмга тенг бўлган 108 та шартнома имзоланди. Яқинда ташкилотчилар томонидан бир неча номинациялар бўйича голиблар аниқланиб, уларга қимматбаҳо совғалар ва дипломлар топширилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШАРХ

Инсониятнинг тараққиётга эришиш йўлида табиатга нисбатан ҳўжасизларча муносабатда бўлиши атроф-муҳитдаги мувозанатнинг издан чиқишига олиб келди. Бунинг салбий оқибатлари дунёнинг турли минтақаларида тез-тез юз бераётган сув тошқинлари, тўфонлар, ўрмон ёнғинлари, курғоқчилик, музликларнинг эриши, қуш ва ҳайвон турларининг йўқолиб бораётгани, қиш кузатилмайдиган жойларда қутилмаганда қор ёғиши, аксинча, доимо совуқ об-ҳаво ҳўжм сурадиган ўлкаларда ҳароратнинг илқ келиши ва яна шунга ўхшаш кўплаб аномал ҳодисалар мисолида яққол намоеён бўлмоқда.

Глобал иқлим ўзгаришлари

жиддий ҳавф-хатар келтирмаслиги учун нима қилиш керак?

Айниқса, бир мавсумда хил-ма-хил иқлим шароитининг рўй бераётгани, ҳақиқатан ҳам, кишини жиддий ўйга толдиради. Поёнига етган қиш фаслидаги ҳолатни эсланг-а. АҚШнинг ўнлаб штатларида қалин қор ёғиб, қаҳратон совуқ забтига олган бир пайтда Атлантика океанининг бошқа тарафида — Европа давлатларида дарёлар ўзанидан тошди. Португалия, Испания, Франция, Буюк Британия, Ирландияда тақор ва тақор қайд этилган кучли шамол ҳамда жала талафотларга сабаб бўлди. Қурбонлар кузатилди. Австралиядо эса мутлақо бошқача манзара — ҳароратнинг ҳаддан зиёд кўтарилиб кетгани натижасида ўрмон ёнғинлари келиб чиқди. "Тилсиз ёв" минглаб гектарлардаги даракларнинг кулини кўкка совурди. Мазкур давлат иқтисодиётига, флора ва фаунага катта зарар етди. Гарчи Шарқий ва Жанубий Осиё давлатлари учун тўфонлар азалдан катта ташвиш саналса-да, сўнгги йилларда уларнинг кўлами анча ошгани хавотир келтириб чиқармоқда.

барча океан ва қитъаларидаги табиий тизимларда сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлаётди. Келгуси ўн йилликдан бошлаб фасллар билан боғлиқ ноодатий жараёнлар бошланиши мумкин. Масалан, жуда қаттиқ совуқ ҳўжм сурадиган қиш ўрнини бирданга жазирама ёз эгаллаши ҳеч гап эмас. Ҳатто бир кеча-кундуз оралигида иссиқ ва совуқ ҳароратнинг алмашинуви тез-тез рўй бериши эҳтимолга яқин. Бошқачароқ изоҳланса, йил давомида фақат қиш ва ёз фасли ҳўжм сурса, не ажаб. Бунинг оқибатида ҳаво таркибида атроф-муҳитга, инсон саломатлигига салбий таъсир килувчи моддалар миқдори, уммон сувларининг эса кислоталилик даражаси ортиши тахмин қилинмоқда.



кур маъруза қарийб икки минг саҳифадан иборат бўлиб, ундан ана шу каби кўплаб йўналишларга оид башоратлар ўрин олган. Маърузани тайёрлашда 310 нафарга яқин муаллиф ва тақризчи, 400 нафар ҳаммуаллиф иштирок этган. Ҳўжжат Япониянинг Йогогама шаҳрида ўтказилган халқроқ анжуманда кенг омма эътиборига ҳавола қилиниб, тадбир чоғида "Ҳўш, энди нима қилиш керак?" деган саволга ҳам жавоблар, мулоҳазалар билдирилди. Асосий фикрлар шун бўлдики, аслида иқлим ўзгаришларини бутунлай тўхатишнинг илоҳи йўқ. Чунки дунё аҳолисининг истемол талаби бунга имкон бермайди. Лекин келиб чиқши эҳтимоли бўлган жиддий ҳавф-хатарларнинг олдини олиш ёки уларнинг таъсир даражасини юмшатиш мумкин. Экспертларнинг таъкидлашча, энг аввало, ҳавога чиқарилаётган карбонат ангидрид гази миқдорини 80 фоизгача қисқартириш зарур. Бунинг учун эса Киото протоколнинг ўрнини босадиган янги глобал ҳўжжат тайёрланиб, қабул қилиниши лозим. Ишлаб чиқаришга замонавий, экологик соф технологияларни жорий этиш, аҳоли ўрта-сидо тарбиёт-ташвиқот ишла-

рини кучайтириш самарадорликка эришишда, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Гап атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, глобал иқлим ўзгариши таъсирини камайтириш ҳақида борар экан, бу йўналишда бевосита мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида тўхталиб

ган иссиқлик газлари эмиссиясини камайтириш, нефть, газ, кимё, энергетика корхоналарини реконструкция қилиш, экологик соф энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилаётди. Шунингдек, ўтган йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Тарбиёт-ташвиқот масалалари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Хусусан, экологик таълимни такомиллаштириш, экологик муаммоларни бартараф этишда ёшларнинг фаоллигини ошириш борасида ибратли ишлар қилинмоқда. Ўзбекистон экологик ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Глобал иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича энг яхши го'я" танлови бунга бир мисолдир. Айтайлик, бу галги танловга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги олий ўқув юртлири талабаларидан бир юз йигирмадан ортиқ илмий лойиҳа, маъруза ва мақолалар қабул қилинди. Голиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди. Энг муҳими, ёш тадқиқотчиларнинг илмий-ижодий ишларида қишлоқ ҳўжалиги, саноат, нефть-газ тармоғи, чиқиндиларни бошқариш соҳаларида экологик соф технологияларни татбиқ этиш, сувни тежаш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш борасидаги долзарб масалалар камраб олингани диққатга моликдир.

...Турли халқроқ анжуманлар, конференцияларда глобал иқлим ўзгариши оқибатида келиб чиқётган салбий ҳолатлар жуда кўп муҳоқама қилинади. Тақлиф-мулоҳазалар билдирилди. Лекин ана шундай тадбирларнинг аксарияти якунида яқдил бир қарорга келинмаслиги ҳам бор гап. Ваҳоланки, глобал тусдаги муаммони бир ёки икки давлатнинг саъй-ҳаракати билан бартараф этиб бўлмайди. Бунга биргалиқда қуралиш талаб этилади. Мусаффо осмон, гўзал табиат ва унинг бебаҳо неъматлари келгуси авлодлар учун ҳам аталганни дилдан ҳис қилганларгина, фарзандларига уни бекаму кўст ҳолда етказишга интиладилар. Бинобарин, инсониятнинг асл вазифаси ва мақсадларидан бири ҳам мана шунда.

Шавкат ОРИҚОВ.

Рақамли ренгтен аппаратлари

Хоразм вилоятидаги 7 та туман тиббиёт бирлашмаси Япониянинг "Шимадзу" фирмасида ишлаб чиқарилган рақамли ренгтен аппаратлари билан жиҳозланди. Бунинг учун 2 миллиард 384 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

ТИББИЁТ

Ушбу замонавий тиббиёт ускунасининг олдингиларидан афзаллиги шундаки, у ренгтен суратларини қоғозга, диска ва плёнкага кўчириб беради. Ваҳоланки, шу пайтга қадар бундай натижалар фақат плёнка ёрдамида акс эттирилган хос. Қолаверса, замонавий ренгтен аппарати тезкорлиги, камхарлиги ҳамда ташхисни ўта аниқ қўйиши билан ажралиб туради. Бу эса аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада ошириш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Бухоро вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси

фармацевтика фаолиятига лицензияси бўлган ва ўрнатилган тартибда қайд этилган фирма ҳамда ишлаб чиқарувчиларни қишлоқ врачлик пунктларига марказлашган ҳолда дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивлар сотиб олиш учун 2014 йил 22 майда ўтказиладиган очиқ тендер (ретендер) савдоларига тақлиф қилади.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

Тендер (ретендер) тақлифларини тендер комиссиясининг ишчи гуруҳига қўйидаги манзил бўйича юбориш лозим:

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Абдулоҳиқ Ғиждувоний кўчаси, 7-уй, Бухоро вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси. х/р: 400121860064017950100054034, СТИР: 201512148, ОКОНХ: 97400. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилик бошқармаси, х/р: 234302000300100001010, Тошкент ш., Марказий банк МФО: 00014, СТИР: 201122919. Телефонлар: (+99865) 221-11-08, 221-21-15. Факс: (+99865) 221-24-11, 221-21-16. E-mail: bukhara@med.uz

Тендер (ретендер) ҳўжжатларининг баҳоси — 100 000 сўм.

Тендер (ретендер) иштирокчилари ишчи гуруҳига ўз тақлифлари билан конвертнинг ташқи юзасига ташкилотнинг квалификация қўжжатларини 2014 йил 21 май соат 18.00 (маҳаллий вақт билан)гача тақдим қилишлари лозим.

6199/029

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

Ҳуқуқий тадқиқотлар марказига қўйидаги лавозимларга ишга қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади:

- Давлат қурилиши ва бошқаруви ҳуқуқий муаммолари бўлими: етакчи илмий ходим — 1, катта илмий ходим — 1.
• Бозор, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий муаммолари бўлими: етакчи илмий ходим — 1, катта илмий ходим — 2.
• Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича муаммоларни ўрганиш бўлими: етакчи илмий ходим — 1, катта илмий ходим — 1.

Кучлари академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси ёки Миллий ҳавфсизлик хизмати таълим муассасасининг магистратура дипломига тенглаштирилган диплома, магистр даражаси жорий этилганга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломага эга шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳўжжатлар топширилиши керак:

- ариза;
• маълумотнома;
• паспорт нусхаси;
• кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
• меҳнат дафтрасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
• олий маълумот, фан доктори, фан номзоди диплом нусхалари, илмий унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳўжжат нусхаси;
• илмий ишлар рўйхати.

Ҳўжжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Кўшимча маълумотлар учун қўйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, кадрлар бўлими. Телефон: (8-371) 233-66-36 (ички 263).

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

Бухоро шаҳар Суд департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2010 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган:
* Бухоро тумани, Тўйтепа қишлоғида жойлашган чорвани бўрдоқчиликка боқши фермасидаги қоровулхона, айвон бинолари ва темир дарвоза.

Бошланғич баҳоси — 57 532 199 сўм.
* Ғиждувон тумани, «Сармижон» ҚФЙ, Ғаждумак қишлоғида жойлашган, қурилиш майдони 220,0 кв.м.дан иборат «Эврика» савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 43 919 081 сўм.
* Бухоро шаҳри, Гулчорбоғ кўчасида жойлашган тураржой биноси.

Бошланғич баҳоси — 675 942 871 сўм.
Ушбу кўчмас мулклар бўйича савдолар 2014 йил 12 май кун соат 11.00 да ўтказилади.

Мазкур кўчмас мулклар 2014 йил 12 майдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий савдоси 2014 йил 19 май кун соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносига бўлиб ўтади.
Мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар савдо ташкилотчиси — «Shad savdo zamin» масъуляти

чекланган жамиятига қўйидаги ҳўжжатларни тақдим этишлари шарт:
— юқорида кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза;
— савдо ташкилотчисининг ОАТБ «Ҳамкорбанк» Бухоро филиалидаги МФО: 00966 СТИР: 302097424, 2020800004935078002 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳўжжати асл нусхаси;

— талабгорнинг ҳуқуқий ҳўжжати нусхаси.
Мазкур кўчмас мулклар қўйидаги шарт асосида сотилади: харидор савдо ўтказилган кунда суд бошқарувчиси билан олди-сотди шартномасини имзолаб, шартномада белгиланган муддат ичида мулк учун тўловларини амалга ошириши шарт.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Кўшимча маълумотлар учун қўйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефонлар: (8-365) 221-51-62, (+99894) 248-48-65.

Хизматлар лицензияланган.

6289/1090

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

очиқ танлов савдосига тақлиф этади.

Очиқ танлов савдосига «O'zsanoatqurilishbank» ОАТБ Қорақалпоғистон минтақавий филиалининг 2014 йил 17 апрелдаги 01-05/0727-сонли бюортномасига асосан, қўйидаги корхона устав фондидаги улуши қўйилмоқда.

Table with 6 columns: Танловга қўйилган объект, Корхона жойлашган манзил, Сотувга қўйилган улуш (%), Закалат миқдори (%), Бошланғич баҳоси (сўм)

Очиқ танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган бюортномаларни «Respublika mulk markazi» ЁАЖга тақдим қилдиладилар ва закатал тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закатал пулини савдо ташкилотчисининг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Танлов ўтказиш қоидлари, танлов шартлари ва танлов тақлифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳўжжатлари «Respublika mulk markazi» ЁАЖга белгиланган тартибда тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргалиқда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳўжжат нусхаси тақдим этилгандан сўнг олиниши мумкин. Танлов ҳўжжатларининг нархи савдо ташкилотчиси томонидан белгиланади.

Танлов тақлифларини қабул қилиш муддати — 2014 йил 21 май кун соат 18.00 гача.
Танлов тақлифлари тақдим этилган конвертларни очиб ва танлов савдосини ўтказиш 2014 йил 23 май соат 11.00 да «Respublika mulk markazi» ЁАЖ мажлислар залида (4-қават) амалга оширилади. Тақлифларни очиб вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Савдода энг мақбул тақлиф киритган талабгор танлов голиби, деб топилади.

Очиқ танлов савдоси шартлари:
— танлов голиби савдо ўтказилгандан сўнг 10 иш кун ичида сотиб олиш бўйича олди-сотди шартномасини ўрнатилган тартибда имзолаши лозим;

— танлов голиби улуш сотиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни бўнак пули сифатида олди-сотди шартномаси тўзилган санадан бошлаб 30 иш кун ичида, қолган қисмини 7 йилдан узок бўлмаган муддат давомида олди-сотди шартномасида белгиланган қисмларга бўлиб-бўлиб сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт;

— корхона бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда фоиз ҳисобланади;

— зарурий ҳўжжатларни расмийлаштиришдаги давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу ҳўжжатлар, объектни баҳолаш ва суғурталаш), очик танлов савдоси ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдолари ўтказилиши ва танлов ҳўжжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: 100175, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.rmm.uz

Гувоҳнома № 006231.

6199/1452

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Андижон вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Андижон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Андижон вилояти судининг 2013 йил 7 июндаги 2-33-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган қўйидаги кўчмас мулклар тақоран қўйилмоқда:

1. Андижон шаҳри, Истиклол кўчаси, 14-уйда жойлашган, «Анд-Наврўз» МЧЖга тегишли, умумий ер майдони 1774,79 кв.м., умумий қурилиш майдони 993,51 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 2749,42 кв.м. бўлган бино-иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 699 153 014 сўм.

2. Андижон шаҳри, Амир Темуэр шоҳқўчаси, 10-уйда жойлашган, «Анд-Наврўз» МЧЖга тегишли, умумий ер майдони 5166,07 кв.м., умумий қурилиш майдони 2417,55 кв.м., умумий фойдаланиш майдони

3365,07 кв.м. бўлган оմборхона бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 649 555 031 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 8 май кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати — 2014 йил 6 май кун соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'snmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг Андижон шаҳар ОАТ «Савдогар» банкнинг қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 30-уй, 105-хона. Телефон: (8-374) 228-47-62. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

6289/1457

Миллий санъатимиз дурдоналари

Мамлакатимизда тасвирий санъат фестивали бошланди.



Тадбир Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюмлари ҳамда бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан Соғлом бола йилга бағишлаб ташкил этилди. Унда мамлакатимизнинг танқиди мўйқалам усталари, ҳайкалтарошлар, миллий қўллик мактаби вакиллари, санъатга ихтисослаштирилган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, хорижий мутахассислар ҳамда талаба-ёшлар қатнашапти.

Хафталикнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, юртимизда миллий санъатимизни янада раванқ топтириш борасидаги эзгу савий-ҳаракатлар натижасида янги-янги истеъдод эгалари кашф этилиб, улар Ўзбекистон довуғини дунёга ёйишмоқда. Зеро, уларнинг халқроқ микёсдаги нуфузли фестивал ва танловларда муваффақиятли иштироки ўзбек санъати истиқболи бугунгидан-да ёрқ бўлишини аниқлатади.

«Тасвирий санъат фестивали» тадбирларини кузатиб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилиш мумкин.

— Болалигимдан гилемдўликка қизиққан, — дейди Республика дизайн коллежи ўқувчиси Раъно Комилова. — Фестивалда дугонан Садокат Курбонова билан голбен санъати йўналишида тўқибётган гилемизини намойиш этаймиз. Мақсадимиз келгусида танлаган соҳамиз бўйича етук мутахассис бўлиш ҳамда амалий санъатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Фестивалнинг дастлабки кунини Бадий академия Кўргазмалар саройи биринчи қаватида халқ амалий санъати устаси, самарқандлик кулол Шариф Азимов ижодий ишлари кўргазмаси



Хосан ПАЙДОЕВ олган сурат.

очилган бўлса, иккинчи қаватда мамлакатимиз мўйқалам усталари ҳамда ўзарбайжонлик ҳайкалтарош-рассом Хусайн Ахвердиевнинг асарлари намойиши бошланди. Камолдидин Бехзод номидаги мемориал бог-музейида эса фестиваль доирасида ташкил этилган Япония маданият кунларининг тантанали очилиши бўлиб ўтди. Эътиборли жиҳати, у мазкур мамлакат фоторассомлари асарлари, «Чой куйиш маросими», «Оригамми», «Япон кимоноси» кўргазмалари, шунингдек, бир қатор тадбирлар, маданий-маърифий анжуманлар, маҳорат сабоқлари, миллий либослар намойиши ва концерт

дастурларини қамраб олади. Аини пайтда пойтахтимиздаги Марказий кўргазмалар саройи, Тошкент Фотосуратлар уйи, Халқроқ маданият карвонсаройи, Бехзод мемориал бог-му-

тақдимоти, «Замонавий тасвирий санъат: анъана ва янгилик» мавзусидаги санъатшунослар давра суҳбати сингари қатор маданий тадбирлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган кўргазма ва бадий кеча фестивал иштирокчилари ёдида узоқ сақланиб қолиши, шубҳасиз.

Дарвоқе, амалий ва тасвирий санъат илосмандлари тадбирлар бўлаётган жойнинг ўзида ижодий жараён билан бевосита танишиш имкониятига ҳам эгадирлар. Масалан, биз кўргазмани кузатиб кетганда Республика дизайн коллежи ўқувчиси Аббос Қаршиев бири-бирдан чиройли миллий кўзалар ясаётган бўлса, Илҳом Турсунбоев ёғоч ўймакорлиги йўналишида совғабоп буюмга шакл ўйиш билан банд эди.

Яна бир эътиборли жиҳати, фестивал низоҳида намойиш қилинган ижодий ишларнинг аксарияти ихтимой муассасалар, Мехрибонлик ва Мурувват уйларига тақдим этилди. Зотан, ушбу бетакорор гўзаллик намуналари навқирон авлоднинг миллий маданиятимиз ва маънавиятимизга ҳурмат руҳида камол топишида мумкин аҳамиятга эгадир.

Маъжуда ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



ЭНТЕР
Инжиниринг

«ENTER ENGINEERING PTE.LTD»

КОМПАНИЯСИ

Куйидаги мутахассисликлар бўйича малакали ходимларни ишга қабул қилиш юзасидан танлов ўтказилишини билдиради:

Муҳандис-техник ходимлар, шу жумладан:

- сифат назорати гуруҳи муҳандиси;
- муҳандис-механик;
- ишлаб чиқариш техник гуруҳи муҳандиси;
- саноат ва фуқаролик қурилиши муҳандиси;
- техника хавфсизлиги, меҳнат хавфсизлиги ва атроф-муҳит муҳофазаси муҳандиси.

Малакавий талаблар:

- * лойиҳа-смета ҳужжатлари билан ишлаш;
- * бажарилган ишлар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш;
- * нефть ва газ билан боғлиқ бўлган қурилиш объектларида камида 2 йиллик ҳамда фуқаролик ва саноат қурилиши объектларида камида 5 йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлиш.

Шунингдек:

- * лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида норматив-техник ҳужжатлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлиши;
- * газ-конденсат конларини ободонлаштиришда соҳага оид магистраль газ қувурлари ва технологик қувурларни ётқизиш ишларини бажарганлиги;
- * газ-конденсат конларини ободонлаштиришда соҳага оид магистраль газ қувурлари ва технологик қувурларни ётқизишда қўлланиладиган замонавий жиҳозлар ҳамда материаллардан оқилона фойдаланишни билиши;
- * Windows, MS Office, Excel дастурлари ва шахсий компьютерда ишлашни билиши;
- * рус ва инглиз тилларини билиши лозим.

Хайдовчи-механизаторлар

Малакавий талаблар:

- * касб бўйича камида 5 йиллик меҳнат тажрибасига, транспорт воситасини боқариш разряди гувоҳномасига эга бўлиши, шунингдек, соғлиги вахтали усулда меҳнат қилиш талабларига жавоб бериши лозим.

Техник ҳужжатлар бўйича таржимон (рус тилидан инглиз тилига ва инглиз тилидан рус тилига)

Малакавий талаблар:

- * мутахассислик бўйича камида 3 йиллик меҳнат тажрибасига ва нефть-газ соҳасида камида 2 йиллик меҳнат стажига эга бўлиши, нефть-газ терминологиясини билиши лозим. Техника, шартнома ва иш ҳужжатларини ёзма таржима қилиши, шунингдек,

Талабгорлар паспорт, меҳнат дафтарчаси, сертификат ҳамда гувоҳномалар нусхаларини тақдим этадилар.

Талабгорлар ҳақидаги маълумотлар ва анкеталар куйидаги манзилларда қабул қилинади:
* Бухоро шаҳри, Саноатчилар кўчаси. Мўлжал — маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ва «Турон» тантаналар уйи. Телефон: (+99895) 169-69-15.

* Қарши шаҳри, Бешкент йўли, 3-км. Мўлжал — УМС базаси, автосалон. Телефон: (+99895) 169-69-17.
Талабгорлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни куйидаги манзилга ҳам юборишлари мумкин:
e-mail: hr@ent-en.com

6229/206

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИХА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов куйидаги йўналишларда олиб борилди: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизацациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибдорликка ва саноат соҳасида таъкид этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини бериш ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибдор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағларининг ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга қумқашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.

Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратоқ кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.

Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекети.

188A92

«Қибрай»
клиник санаторийси

юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сўхатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тонфали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илгор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Сўхатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплай қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парhez таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони.
Метронинг «Буёқ Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишидаги «Дача» бекатигача бориш мумкин.
Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.



C and H Industry
Construction Equipment & Service



Иностранное предприятие
ООО «C and H Industry»

предлагает

ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНУЮ ТЕХНИКУ

Под заказ.



Адрес: г. Ташкент, 100015, Мирабадский р-н, ул. Айбека, 38 «А», бизнес-центр «Авалон», 2-й этаж.
Тел./факс (+99871) 252-50-03, моб.: (+99891) 162-52-86, (+99891) 162-52-85.
E-mail: uzvolvo@gmail.com



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этиш аппарати жамоаси масъул ходим Содиқ Розикович Жумаевга волидаи муҳтарамаси Қумрихон ая ЖУМАЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) жамоаси Жамоатчилик эксперт гуруҳи аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Ирина Алексеевна САВЕЛЬЕВанинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси жамоаси катта илмий ходим Саодат Салаҳовна КАМИЛОВанинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

511A263

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 469. 121 618 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — М. Жониҳонов.
Набатчи — Ф. Абилов.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 22.35 1 2 3 4 5

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси